

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ ЎРАЛ АХМАДОВИЧ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ
ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини
молиялаштириш механизмини такомиллаштириш 3

Хайдаров Урал Ахмадович

Совершенствование механизмов финансирования инвестиционной
деятельности в рамках национальной экономики..... 29

Khaydarov Ural Ahmadovich

Improving the mechanism of financing of investment activity in the
context of national economy..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/10.12.2019.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ ЎРАЛ АХМАДОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ
ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Iqt157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алмарданов Мухамади Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ташмурадова Бибисора Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессори

Исламкулов Алимназар Худжамуратович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «26» 12 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdu@tdu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1017 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (71) 239-28-72, Факс: (71) 239-43-51; e-mail: tdu@tdu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 12⁰⁰ куни тарқатилди.
(2020 йил «14» 12 даги 41 - рақамли реестр баённомаси.)



Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий шароитлардаги жаҳон иқтисодиётида тенденциялар заиф инвестицион фаолиятнинг намоён этиши билан оир қаторда халқаро инвестициялар тақсимланишида номуносибликлар кузатилмоқда. Хусусан, “2018 йилдаги глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 13 фоизга қисқариб, номинал мазмунда бу кўрсаткич 1,3 трлн. долларни ташкил қилган. Янги лойиҳаларга эълон қилинган инвестициялар келгуси тараққиётнинг омили сифатида йил мобайнида 14 фоизга қисқарган. 2004 йилдан буён ривожланган мамлакатларга хорижий инвестициялар оқими 27 фоизни ташкил қилган. Ривожланаётган мамлакатларга инвестициялар ҳажмида эса ўзгариш тенденциясига эга бўлмай, 2 фоиз йиллик ўсиш кузатилган”¹. БМТ (ЮНКТАД)нинг бераётган маълумотларига кўра, “2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,54 трлн. долларга қисқариб, бунда сезиларли ўзгариш жаҳон иқтисодиётида 2005 йилдан буён кузатилмаган. 2020 йилда эса глобал пандемия таъсирида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 40 фоизга пасайиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда”².

Ҳозирда жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларида инвестиция фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш, хусусан, уларнинг янги молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш даражасини ошириш, компаниялар инвестицион фаолиятини молиялаштириш амалиётига инновацион усулларни жорий этишга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур мамлакатлар амалиётида инфляция даражаси юқорилиги ҳамда инвестицион муҳит жозибадорлиги нисбатан пастлиги, молиялаштириш манбаларининг барқарор эмаслиги натижасида корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш амалиётига таъсир этаётган салбий жиҳатларни бартараф этиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Бундай шароитда Ўзбекистонда юритилаётган фаол инвестиция сиёсати мамлакат миллий иқтисодиётининг истиқболдаги рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим молиявий омили сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида: 850,5 трлн. сўм инвестициялар, шу жумладан 35,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб этишнинг прогноз параметрларида 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 2020 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури кўрсатилган³. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай кенг

¹ www.unctad.org World Investment Report 2019,

² <https://finance.rambler.ru/realty/44346731-oon-sprognozirovala-padenie-pryamyh-inostrannyh-investitsiy-na-40-protsetov>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли “Ўзбекистоннинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

кўламли ислоҳотлар ва фаол инвестиция сиёсати самарадорлигини янада ошириш, аввало, инвестиция фаолиятини макро ва микрокўламда мукамал тизимли молиялаштириш механизмини шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тадқиқот ишининг долзарблигини белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг назарий-илмий, услубий ва амалий муаммолари хорижлик олимлардан R.Stobaugh, R.Stoun, Н.Абыкаев, В.Д.Андрианов, В.С.Бард, С.Н.Бузулуков, И.Н.Дрогобыцкий, С.Е.Щепетова, А.В.Бельский, Н.Берзон, Ю.И.Вернадский, О.В.Терещенко, В.В.Бочаров, Э.И.Крылов, В.М.Власова, М.Г.Егорова, Д.А.Лаврик, М.М.Прусак, Н.М.Сабитова, В.Савельев сингари олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁴.

⁴ Stobaugh R. How to Analyze Foreign Investment Climates. -Harvard Business Review, September October 1969.- p.189. Stoun R. Social Account at the Regional Level: a Survey. In: Regional Economic Planning. Techniques of Analysis for Less Developed Areas / Ed. By W.Isard and J.Camberland. OECD. Paris, 1961; Абыкаев Н. Инвестиционный потенциал и экономический рост (методологический аспект) // Экономист. 2000. - № 6. - С. 58-66.; Андрианов В.Д. Россия: экономический и инвестиционный потенциал. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 1999. - 662с.; Бард В.С., Бузулуков С.Н., Дрогобыцкий И.Н., Щепетова С.Е. Инвестиционный потенциал Российской экономики. – М.: Издательство «Экзамен», 2003. – 320 с.; Бельский А.В. Анализ инвестиционной привлекательности регионов // Сборник научных трудов: Региональная экономика проблемы и перспективы. – М., 2003. -320 с.; 16. Берзон Н. Формирование инвестиционного климата в экономике. // Вопросы экономики. 2001. -№ 7. - С. 104-114.; Вернадский Ю.И., Терещенко О.В. Интеграция финансового и промышленного капитала как фактор роста инвестиционного потенциала реального сектора экономики. // Регион: экономика и социология. 2002. - № 1. - с. 97-102.; Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования рынка инвестиций. – М.: Финансы и статистика, 1993 – 158 с.; Крылов Э.И., Власова В.М., Егорова М.Г. и др. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности

Инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Д.Г.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Н.Х.Жумаев, Ф.Ў.Додиев, Н.Р.Қўзиёева, Н.Х.Хайдаров, Ш.Мустафақулов, Р.Б.Саидов, Э.И.Носиров ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁵. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда мамлакатда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсатининг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан уни молиялаштиришни хорижий илғор тажрибаларга асосланган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича тизимли қарорлар қабул қилишга боғлиқдир.

Шунга асосланган ҳолда ушбу тадқиқот ишида молиялаштиришнинг объекти сифатида макро даражада инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича таклифлар тизими ишлаб чиқилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий-услубий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг зарурлиги ва функционал элементларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

предприятия. – М.: Финансы и статистика, 2003. 192 с.; Лаврик Д.А. Диагностика региона основа для эффективного размещения инвестиций // Сборник научных трудов: Управление экономикой: методы, модели, технологии. - Уфа: УГАТУ, 2001. - 246 с.; Прусак М.М. Стратегия региона: инвестиции в экономику // Финансы. 2001. - № 1. - С. 6-8.; Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методология его оценки. // Финансы. 2003. - № 2. - С. 63-65.; Савельев В. Инвестиционный потенциал регионов: региональный прогноз. // Обозреватель Observer. - 2003. - № 3. - С. 83-89.

⁵ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари – Т., 2002. и.ф.д. дисс. автореф. 11-14 б. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б., Жумаев Н.Х. Камабағаллик: Даромад тенгсизлигими ёки таълим олишга эътиборсизлик. Мақола. //Халқ сўзи, 2020 йил 25 июнь. Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятини молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 1998.-22 б.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008; Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. -22 б.; Мустафақулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc). дисс. автореферати. – Т., 2017.; Саидов Р.Б. Ўзбекистон Республикаси уй хўжаликларида инвестициялашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011.-18 б.; Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 92 б.

инвестиция фаолиятини молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш механизмини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ташкил этишга қаратилган инвестицияларни таҳлил қилиш;

инвестиция фаолиятини молиялаштиришга таъсир этувчи омиллар таъсирини эконометрик таҳлил қилиш ва шу асосида баҳо бериш;

инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон амалиётига татбиқ этиш имкониятлари юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестицион жозибадорлигини оммалаштириш мақсадида хорижий инвесторлар учун виртуал ахборот майдони зарурлигини асослаш;

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида амалдаги инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида амалдаги инвестицион фаолиятини молиялаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифасини ҳал этишда илмий абстракциялаш, кузатув, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бюджет параметрларини шакллантиришда инновацион тараққиётнинг омили ҳисобланган фан, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига инвестициялар ЯИМга нисбатан 1,0 фоиздан паст бўлмаган кўрсаткични таъминлаш бўйича мезонларга риоя қилинишини инобатга олиш таклифи асосланган;

инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда бошқа қатор функционал вазифаларни бажарувчи махсус жамғарма ташкил қилиш ва унинг фаолиятини хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига хос траст бошқарув (ишончли бошқарув) тизими орқали ташкил қилиш таклифи асосланган;

инвестиция фаолиятини молиялаштиришда йирик корхоналар акцияларини маҳаллий ва хорижлик инвесторларга халқаро “bookrunner” компаниялари билан синдикатлашган ҳолда очик бозорларда оммавий сотишни жорий этиш орқали кенгайтириш таклифи асосланган;

аҳоли қўлида бўш турган пул маблағларини ислом молияси инструменти (мушорака)ни қўллаш орқали инвестицияларни молиялаштиришга йўналтириш механизмини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий манбалар ҳамда етакчи хорижий давлатлар инвестицияларни молиялаштириш фаолияти таҳлили орқали инвестиция сиёсатининг таркибий элементлари ва иқтисодий моҳиятига аниқлик киритилган;

инвестиция фаолиятини молиялаштиришга таъсир этувчи омиллар таъсирини эконометрик таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни молиялаштириш учун асосий хулосалар шакллантирилган;

инвестиция фаолиятини ноанъанавий молиялаштириш усуллари таҳлил қилиш натижасида республикада мазкур молиялаштириш манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилувчи инвестиция харажатларини инвестиция дастури ва давлат бюджетига консолидациялаш таклифи асосланган;

миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмларини ривожлантиришдаги айрим муаммоларни ўрганиш натижасида инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш орқали истиқболда макроиқтисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётда рақобатбардошликни ошириш жараёнини назарий-методологик ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш, улардан махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар, илмий фикр-мулоҳазалар ва назарий ғоялардан соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, ушбу соҳа ходимларининг малакасини ошириш ҳамда олий ўқув юртларининг “Инвестиция фаолияти”, “Инвестиция сиёсати”, “Пул, кредит ва банклар”, “Молия”, “Банк иши” сингари фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бюджет параметрларини шакллантиришда инновацион тараққиётнинг омили ҳисобланган фан, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик

ишларига инвестициялар ЯИМга нисбатан 1,0 фоиздан паст бўлмаган кўрсаткични таъминлаш бўйича мезонларга риоя қилинишини инobatга олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сонли “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сонли “Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқишда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04/06-02-32/493-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда ЯИМ номинал миқдорининг 0,2 фоизи, яъни 5 трлн. сўм атрофида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилишига эришилган;

инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда бошқа катор функционал вазифаларни бажарувчи махсус жамғарма ташкил қилиш ва унинг фаолиятини хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига хос траст бошқарув (ишончли бошқарув) тизими орқали ташкил қилиш бўйича таклифидан тегишли инвестиция муассасалари фаолиятини йўлга қўйишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04/06-02-32/493-сон маълумотномаси). Натижада, Республикада 4 та инвестиция компанияси, 1 та венчур фонди ва 1 та бошқарув компанияси ташкил этилган;

инвестиция фаолиятини молиялаштиришда йирик корхоналар акцияларини маҳаллий ва хорижлик инвесторларга халқаро “bookrunner” агентлари билан синдикатлашган ҳолда очик бозорларда оммавий сотишни жорий этиш орқали кенгайтириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 февралда икки траншли облигацияларни чиқаришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04/06-02-32/493-сон маълумотномаси). Натижада, Республика амалиётида илк мартаба синдикатлашган ҳолда J.P.Morgan Global, Citigroup, Gazprombankлар Bookrunner агентларининг иштирок этиши таъминланган;

аҳоли қўлида бўш турган пул маблағларини ислом молияси инструменти (мушорака)ни қўллаш орқали инвестицияларни молиялаштиришга йўналтириш механизмининг жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан янги молиявий инструментларни инвестиция фаолиятини молиялаштиришни жорий этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04/06-02-32/493-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида мамлакат иқтисодиётига мушорака инструментининг жорий этишининг ижобий жиҳатлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмининг назарий асослари”** номли биринчи бобида инвестиция фаолиятининг мазмуни, уни молиялаштириш зарурлиги, жараёни ва функциялари, инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизими, манбалари ва унга таъсир этувчи омиллар, инвестиция фаолиятини молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солишнинг таъсири ўрганилган.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш, инвестиция жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда инвестиция ресурслари ҳосил қилиниши натижасига таянади ва юз беради. Ўз навбатида, у инвестициялашдан кўзланган мақсадга бевосита боғланади. Зеро, кўзланган мақсадга эришиш иштиёқи инвесторни капитал тўплаб, сўнг уни шу мақсад йўлида сафарбар этишга ундайди. Зотан, мақсад муайян натижага қаратилар экан, натижа ҳам ўз навбатида, муайян мақсадларни келтириб чиқаради ва тегишлича, инвестиция жараёнини акс эттирувчи кетма-кетликни ҳосил қилади. Инвестицияларнинг бу тарзда ҳаракатланиши инвестиция фаолияти орқали юз беради. Шундай экан, инвестиция фаолиятининг моҳиятини билиш жуда муҳимдир.

Турли иқтисодий адабиётларда “инвестиция фаолияти” тушунчаси мазмун-моҳиятига турлича таърифлар берилган. Уларни чуқур ва кенг тадқиқ этган ҳолда, муаллифнинг фикрича, инвестиция фаолияти мазмунига берилган қуйидаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Иқтисодчи олим А.С.Нешитойнинг фикрича, “Инвестицион фаолият даромад олиш ва фойдали самарага эришиш мақсадида маблағларни жойлаштириш (инвестициялаш) ва амалий ҳаракатларни амалга оширишдир”⁶.

АҚШнинг таниқли иқтисодчи олимлари Frank Reilly ва Keith Brownнинг фикрича, “инвестиция келажакда тўловларни олиш учун маълум бир даврда қилинган сармоядир”. Шунингдек, “инвестор” – шахс, ҳукумат, пенсия жамғармаси ёки корпорация бўлиши мумкин. Улар қандай бўлмасин, бугунги кунда маълум миқдорда маблағ йўналтиради ва келажакда ҳозирги миқдоридан юқори бўладиган тўловларга эга бўлишга қаратилган фаолият

⁶Нешитой А.С. Инвестиции. Учебник. – М.: Дашков и К, 2007. – С. 15.

йиғиндисидир⁷. Муаллифнинг фикрича бу таъриф ўринли, лекин инвестицияларни киритишда ташқи омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Бунга ўхшаш таърифларни яна қуйидаги олимларнинг фикрларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, россиялик иқтисодчи олим В.Бочаревнинг фикрича: “Инвестиция фаолияти – давлат, фуқаролар ва ҳуқуқий шахсларнинг инвестицияларни амалга оширишдаги амалий ҳаракатлари йиғиндиси”⁸ни англатади. Муаллифлар А.Арзимияна ва бошқалар: “Инвестиция фаолияти инвестиция киритиш ёки инвестициялаш ҳамда инвестицияларни амалга оширишдаги амалий ҳаракатлар йиғиндиси”⁹, деб таърифлайдилар.

Л.Л.Игонина эса инвестиция фаолияти мазмунига ҳам кенг, ҳам тор мазмунда таъриф бериш мумкинлигини таъкидлаб ўтади¹⁰. Ушбу атамага кенг таъриф берилса, “инвестиция фаолияти – маблағларни инвестициялаш объектларига даромад (самара) олиш мақсадида киритиш билан боғлиқ фаолият”¹¹ сифатида тушунилади. Л.Л.Игонина инвестиция фаолияти мазмунига берган таърифини Россия Федерацияси қонунчилигида ушбу атамага берган таърифта ўхшаш мазмунга эгаллигини қайд этади, яъни ушбу мамлакат қонунчилигига кўра: “Инвестиция фаолияти – фойда олиш ва (ёки) бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида инвестицияларни киритиш ва амалий ҳаракатларни амалга оширишдир”¹².

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи”¹³ сифатида ифодаланади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Ғ.Ғозибеков “инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади”¹⁴, – деб таъриф берган.

Шунингдек, иқтисодчи олим Н.Ғ.Каримов “Инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш”¹⁵га доир илмий тадқиқотларида инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар бозори ва тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш

⁷ www.cengage.com/highered Frank Reilly ва Keith Brown Investment Analysis & Portfolio Management

⁸ Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – М.: Финансы и статистика, 1998. – С. 7.

⁹ Арзимияна и др. Большой экономический словарь. – М.: Правовая культура, 1994. – С. 157.

¹⁰ Игонина Л.Л. Инвестиции. Уч.пос. – М.: Экономист, 2005. – С. 25.

¹¹ Игонина Л.Л. Инвестиции. Уч.пос. – М.: Экономист, 2005. – С. 25.

¹² Федеральный Закон «Об инвестиционной деятельности в Российской Федерации, осуществляемой в форме капитальных вложений» от 25 февраля 1999 года, №39-ФЗ, 1-статья.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 25 декабр, 3-модда. // www.lex.uz

¹⁴ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 329-бет.

¹⁵ Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 240 б.,

ҳамда қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлиги таҳлиliga каратилган илмий-назарий ва илмий-услубий тадқиқотларни амалга оширган.

Н.Р.Қўзиеванинг фикрича, “Инвестициялар давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мамлакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта қироллантириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлари, мулкӣ ва интеллектуал бойликларидир”¹⁶.

Муаллифнинг фикрича, инвестицион фаолиятга берилган таърифлар, унинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Чунки инвестицион фаолият инвестицияларнинг кетма-кетлиги ва уларнинг ўзгарувчанлиги, яъни ресурслар (қийматликлар) қўйиш (харажатлар) ва инвестиция натижасида самара (фойда, даромад) олишдан иборат бўлиши керак. Агар самара олинмаса, инвестициялашга рағбат ҳам бўлмайди.

Юқорида олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф инвестиция фаолияти тушунчасига қуйидагича таъриф беришни ўринли, деб ҳисоблайди: инвестиция фаолияти ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи, янги илғор инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва уни асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий таъминлашдир. Бунинг натижасида, барпо этилаётган соҳа фаолиятини молиялаштириш орқали, инвесторларнинг юқори фойда олишга эришиш имкониятларини вужудга келтиради.

Инвестиция фаолияти инвестиция фаолияти объектларига инвестиция фаолияти субъектлари томонидан йўналтириладиган инвестиция ресурслари билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи муносабатларни ўзида мужассамлаштирар экан, бу фаолият инвесторларнинг аниқ мақсадларига асосланган ҳолда юзага келади ва ривожланиб боради.

Иқтисодиёт трансформацияси ҳамда халқаро интеграциялашуви, иқтисодиётда таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар тобора кучайиб борган сари янги хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши, уларнинг шунингдек, мавжудларининг кучли рақобат ва турли омиллари таъсири юқори бўлган шароитда яшаб қолиши ҳамда ривожланиши тобора мураккаблашиб бораверади. Бу ҳолат инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга нисбатан талаб ва масъулиятни ҳам янада оширишга олиб келади, ўз навбатида, янгидан-янги усулларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Таъсир этиши кучайган омиллар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Буюртмачиларнинг талаблари ва уларнинг масъулияти ошиши.
2. Лойиҳаларнинг якуний маҳсулотларининг хусусий мураккаблиги.
3. Лойиҳаларнинг ташқи атроф билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири (иқтисодий, сиёсий, экологик, ижтимоий, маданий муҳит).

¹⁶ Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2008.

4. Риск ва ноаниқлик даражаси.
5. Ташкилий қайта қуриш.
6. Технологиялар алмашуви тебранишлари.
7. Режалаштириш ва нархни шакллантиришдаги хатоликлар.

Ушбу жараёнда инвестициялар ва инвестиция фаолиятининг асосий принциплари муҳим ўрин эгаллайди. Улар қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- ошкоралик ва очиклик;
- инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;
- адолатлилик ва инвестиция фаолияти субъектларининг тенглиги;
- инвесторларга нисбатан камситишга йўл қўймаслик;
- инвесторларнинг виждонлилиги презумпцияси¹⁷.

Муаллифнинг фикрича, молиялаштириш механизми қуйидаги тўртта қисми тизим сифатида мужассамлаштира олсагина, яхлит ва объектив бўлади (1-расм):

- молиялаштириш муносабатлари;
- молиялаштириш муассасалари;
- молиялаштириш тизими;
- молиялаштириш тартиб-қоидалари.



1-расм. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизми¹⁸

Муаллиф инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибини асослаш билан боғлиқ фикрларни илмий-назарий тадқиқ этган ҳолда уни молиялаштириш манбаларини қуйидаги гуруҳларга ажратади. Чунки унда молиялаштириш муассасалари амалиётида пул ва кредит алоқаларини бошқарувчи қисм фаолияти қамраб олинмаган.

инвесторларнинг ўз ресурслари (фойда, амортизация ажратмаси, ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг пул жамғармалари ва бадаллари,

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 25 декабр, 4-модда. // lex.uz.

¹⁸ Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан тузилган.

акциялардан тушган маблағлар ва бошқалар);

инвесторларнинг қарзга олган ресурслари (корхоналар, тижорат банклари, нобюджет фондлари кредитлари, облигацияли, сертификатли, векселли ва бошқа хил қарзлар, бюджет ссудалари);

бюджетнинг инвестиция ресурслари (республика ва маҳаллий бюджет маблағлари).

Шунингдек, инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмларига турли омиллар таъсир кўрсатади. Муаллиф олиб борган тадқиқотлари асосида уни икки гуруҳга ажратади:

1. Макродаражада инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар (корхонага нисбатан барча ташқи омиллар).

2. Микродаражада инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар (ички омиллар).

Ўзбекистонда юритилаётган инвестиция сиёсати натижасининг қандай самара бериши мамлакатдаги инвестицион фаолиятнинг ривожланиш ҳолати билан белгиланади. Шу сабабли, одатда, ҳар қандай инвестиция сиёсатининг мақсади мавжуд инвестиция фаолиятининг ривожланиш истиқболига қаратилади. Бу мақсад ўзида давлатнинг инвестиция фаолиятини мунтазам равишда тартибга солиш вазифасини ҳам мужассам этади.

Диссертация ишининг **“Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмининг замонавий ҳолати таҳлили”** номли иккинчи бобда Ўзбекистонда ҳудуд ва тармоқлар кесимида инвестиция фаолиятини молиялаштириш таҳлили ҳамда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий усуллари таҳлили, инвестиция фаолиятини молиялаштириш самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар таъсири эконометрик тадқиқ қилинган.

Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, биринчидан, чекланган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда инвестициялар динамикасини таъминлаш, иккинчидан, пул маблағлари таркиби ва солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланиш ҳисобига риск ва харажатларни камайтиришга асосланиши лозим. Бу тамойилнинг самарали ишлашини таъминлаш давлат томонидан инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш учун қулай тизим ташкил этишни талаб этади.

Мамлакат ҳудудлари ва иқтисодиёти тармоқларига йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тузилишини акс эттирувчи ушбу 1-жадвалда сўнгги йилларда ижобий томонга ўзгаришлар юз берганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинса, 2016 йилда асосий капиталга йўналтирилган жами инвестициялар ҳажми 49476,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, 189924,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган, бу эса уларнинг ҳажми 2019 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 383,9 фоизга ошганлигидан далолат беради (1-жадвал).

Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари, миллион АҚШ доллари ҳисобида¹⁹

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 й.да 2016 й.га нисбатан, фоизда
Асосий капиталга инвестициялар	49476,8	60719,2	107333,0	189924,3	383,9
Марказлашган инвестициялар	7200,7	14975,0	34448,4	50686,8	703,9
Марказлашмаган инвестициялар	42276,1	45744,2	72884,6	139237,5	329,3

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларига жалб этилган инвестициялар таркибида марказлашган инвестициялар 2016 йилда 7200,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2019 йилда эса 50686,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган, бу эса марказлашган инвестициялар 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 703,9 фоизга кўпайганлигини кўрсатади. Марказлашмаган инвестициялар 2016 йилда 72276,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2019 йилда эса 139237,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Марказлашмаган инвестициялар 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 329,3 фоизга кўпайганлигидан далолат беради.

Маълумки, “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”²⁰нинг 3.2-йўналишида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланувчи давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга бориб, бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш мақсад қилиб белгиланган.

Ҳақиқатан ҳам, бу борада Ўзбекистон Республикасида кузатилаётган тизимли муаммолар: илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига қилинаётган харажатларнинг ЯИМдаги паст даражадаги улуши, яъни қарийб 0,2 фоизни ташкил қилмоқда. ЮНЕСКО ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткични ЯИМга нисбатан 1 фоиздан паст бўлмаган даражаси бўйича таклиф бериб ўтади. Агар Ўзбекистонда 2019 йилда ЯИМнинг номинал миқдорини 511838 млрд. сўм деб ҳисобласак, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига қилинаётган харажатлар қарийб 5 трлн. сўм бўлишини тақозо этади.

Республикамизда ҳамда дунёнинг турли мамлакатларида, китъаларида ва умуман жаҳон хўжалиги миқёсида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига инвестицияларнинг бир хил ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Т.: Маънавият, 2019. 41-б.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон; 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон.

Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини инвестициялаш манбалари таркиби, фоизда²¹

№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Жами инвестициялар	100	100	100	100	100
2.	<i>шу жумладан:</i>					
3.	Бюджет маблағлари	58,7	57,7	56,1	55,1	54,3
4.	Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари	4,3	4,2	2,7	2,9	3,1
5.	Ташкилотларнинг ўз маблағлари	22,9	22,3	29,4	35,6	39,7
6.	Буюртмачилар маблағлари	13	15	11,2	6,1	4,3
7.	Хорижий инвесторлар маблағлари	1,2	0,8	0,6	0,3	0,5

Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини инвестициялашнинг асосий манбаи бюджет маблағлари ҳисобланади. Бюджет маблағлари улуши аста-секин камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилда 54,3 фоизни ташкил этган.

2-жадвал маълумотларига кўра, бюджетдан ташқари жамғармалар ва хорижий инвесторларнинг илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлашдаги улуши катта эмас, шу билан бирга уларнинг улуши инвестициялар жами ҳажмининг 5 фоизини ҳам ташкил этмайди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, агар 2015 йилда буюртмачиларнинг маблағлари 13 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 4,3 фоизга тушганлигини кузатиш мумкин.

Буюртмачилар маблағлари улушининг пасайиши улар инновацион ёки юқори технологик маҳсулотларга эҳтиёжини асосан импорт ҳисобига қондириши билан изоҳланади, чунки иқтисодиётда модернизация кўламли ошаётган шароитда инновацион маҳсулотларга эҳтиёж доимий равишда ошиб боради. Шунинг учун ҳам корхоналар илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини инвестициялашга ўз маблағларини сарфлашга мажбур бўлиб, мазкур манбанинг улуши 22,9 фоиздан 39,7 фоизгача кўтарилган.

Тадқиқот натижасида марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибидаги Давлат бюджети, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси инвестиция ресурсларини тақсимлашда, “Фан, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига” инвестициялар биринчи даражада эътибор берилмоқда. Бунда давлат инвестиция сиёсатида истиқболдаги инновацион тараққиётнинг омили ҳисобланган мазкур соҳаларга инвестициялар ЯИМга нисбатан 1,0 фоиздан паст бўлмаган

²¹ «Ўзбекистон Республикасининг фан-техника салоҳияти ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари» 2015-2019 йиллардаги статистик бюллетенлари.

кўрсаткични таъминлаш бўйича мезонларга риоя этиш лозимлиги маълум бўлди.

Иқтисодиётда инвестиция сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда натижавий омилларнинг кўплаб йўналишлари кесимидаги кўрсаткичларга таянилади. Бу жараёнда асосий капиталга инвестицияларни киритишни иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликка таъсирини баҳолаш бу жараёнга тизимли ёндашган ҳолда қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида кенг қўлланилувчи инвестициялар молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг 5 та кўрсаткичлар тизими аниқ инвестицион лойиҳаларнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари асосида репродуктив пул оқимларининг жорий қийматига асосланган ҳолдаги кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган.

Асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш жараёни самарадорлиги юқорида таъкидлаганидек кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улар интеграл тавсифдаги кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин. Чунки бундай кўрсаткичларни детерминаллаштирилган моделлар орқали тизимлаштириш мураккаб жараённи акс эттиради. Шунга асосланган ҳолда муаллиф ёндашувида кўп омилли регрессиянинг чизиқли моделини қўллаш орқали инвестицияларни молиялаштириш самарадорлигини баҳолашга ҳаракат қилинади.

Регрессия тенгламасини тузиш учун Eviews дастуридан фойдаланилади. Унга кўра, танлаб олинган кўрсаткичларнинг 2010-2019 йиллардаги ўзгариш динамикаси статистик кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги регрессия тенгламаси тузилади:

$$Y=f(x_1, x_2, \dots, x_n, \varepsilon) \quad (1)$$

Бу ерда, Y – асосий капиталга киритилган инвестицияларга тўғри келувчи соф жамланма молиявий натижалар миқдори;

x_1 – ишсизлик даражаси, фоизда;

x_2 – хорижий капитал иштирокидаги корхоналар асосий капиталига инвестициялар улуши, фоизда;

x_3 – иқтисодий фаол аҳоли даражаси, фоизда;

x_4 – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси, фоизда;

x_5 – зарар кўриб ишлаётган корхоналар салмоғи, фоизда;

x_6 – асосий фондларнинг эскириш даражаси, фоизда;

x_7 – асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг аҳоли жон бошига нисбати, фоизда;

x_8 – асосий капиталга инвестициялар физик ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан фоизда;

x_9 – ЯИМда асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши, фоизда;

x_{10} – асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларида ўз маблағлари улуши, фоизда;

x_{11} – асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитлари улуши, фоизда.

Амалга оширилган корреляцион таҳлиллар натижасида $x_5, x_7, x_8, x_9, x_{10}, x_{11}$ сингари омилларнинг натижавий омилга мустақил зич боғлиқлиги мавжудлиги аниқланди.

Мустақил омил белгиларининг корреляцион матрицаси улар ўзаро суст боғлиқлигини кўрсатади, шунинг учун босқичма-босқич регрессия усулидан фойдаланиб, натижада қуйидаги кўп омилли регрессион тенглама олинди:

$$Y=193,6-1,37x_5+0,27x_7+0,29x_8-5,4x_9-0,78x_{10}-2,11x_{11} \quad (2)$$

Модел ва унинг параметрларини статистик баҳолаш тўлиқ мос келиб, уни қуйидаги жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

3-жадвал

Регрессион модел параметрларини аниқлаш²²

№	Statistic	Value
1.	Multiple R	0,81271
2.	Multiple R ²	0,66050
3.	Adjusted R ²	0,63217
4.	F (6,89)	25,22713
5.	P	0,00000
6.	Std Err. Of Estimate	28,51583

Корреляция коэффиценти кўрсатадики, натижада пайдо бўлган кўрсаткичнинг умумий ўзгариши моделга киритилган омиллар ўзгарувчанлиги билан изоҳланади. Олинган регрессия коэффицентлари тасодифий эмаслиги уларнинг стандарт хатоларидан далолат беради. Муаллиф ҳисоб-китобларида 5 фоиз ($p=0,05$) хато эҳтимоллиги даражаси қабул қилинади.

Моделда барча регрессия коэффицентлари учун стандарт хатоларнинг ҳисобланган қиймати белгиланган даражадан пастдир. Хусусан, Фишер мезони $F(6,89)=25,23$ ни ташкил қилиб, $p=0,00000$ кўрсаткичи $p=0,05$ дан кичик, яъни моделнинг аҳамиятсизлик гипотезаси рад этилади. Шундай қилиб, регрессия таҳлилининг тахминлари бажарилди деб қабул қилиш мумкин.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида амалдаги инвестицион фаоллик самарадорлигига таъсир этувчи омиллар даражаси ва уларнинг вазни бўйича бир қатор хулосаларни тизимлаштириш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Шундай қилиб, олинган кўп сонли регрессия тенгламаси (1) Ўзбекистонда инвестиция жараёнлари самарадорлиги ва ажратилган устувор кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражада қатъийлигини кўрсатади. Критик даражадан (0,7) ошиб кетувчи корреляция коэффицентининг юқори қиймати ва аниқлаш коэффиценти бундан далолат беради.

²²Таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Регрессия тенгламасининг (2) фактор атрибутлари учун коэффициентлар катталигига кўра, ўрганилган омилларнинг асосий воситаларга инвестиция қилиш жараёнларининг самарадорлигига таъсир даражаси бўйича ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир омиллар константасининг миқдор кўрсаткичларига мувофик моделдаги асосий капиталга киритилган инвестициялар самарадорлигига омилларнинг таъсир даражаси бўйича хулосалар шакллантирилди.

Булар қуйидагилардан иборат:

4-жадвал

Кўп омилли регрессиянинг қизиқли модели солиштирма таҳлили²³

№	Ўрганилган омиллар	Омиллар таъсирининг иқтисодий мазмуни
1.	x_5 - зарар кўриб ишлаётган корхоналар салмоғи, фоизда	Зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг жами корхоналардаги улуши ортиши инвестицион жараёнлар самарадорлигига салбий таъсир тавсифига эга бўлмоқда
2.	x_7 -асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг аҳоли жон бошига нисбати	Асосий капиталда инвестицияларнинг тўпланиши ишлаб чиқаришнинг молиявий самарадорлиги (рентабеллиги) ортишига олиб келади
3.	x_8 - асосий капиталга инвестициялар физик ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан фоизда	Инвестициялар ҳажмининг юқори динамик ўсиш суръати иқтисодиётни модернизациялаш жараёни натижавийлигининг молиявий-иқтисодий омили ҳисобланади
4.	x_9 - ЯИМда асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши, фоизда	ЯИМдаги инвестицияларнинг заиф улуши мавжуд корхоналар молиявий натижалари самарадорлигига салбий таъсир этиш тавсифига эга бўлмоқда
5.	x_{10} - асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларида ўз маблағлари улуши, фоизда	Ўз маблағларининг паст даражадаги улуши ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади
6.	x_{11} - асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитларининг улуши, фоизда.	Иқтисодиётдаги инвестицион фаолликни молиялаштириш манбаларида банк кредитлари инвестициялар молиявий самарадорлигига салбий таъсир этиш тавсифига эга бўлмоқда.

Амалга оширилган эконометрик таҳлиллар натижасида, хуудларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини жадаллаштириш ёки банкротлик таомилларини соддалаштириш орқали уларни иқтисодий фаол корхоналарга трансформация қилиш бўйича кескин чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларида банклар ва кредит ташкилотлари фаоллигини ошириш лозимлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни

²³ Жадвал таҳлилий материаллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

